

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ



ПРИКАЗ
МИНИСТРА ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “30” декабрь

№ 565-мх

«___» декабря 2019 года

**Патент вакилларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан
ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 298-сон “Патент вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Патент вакилларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив хужжатларни ҳукуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳукуқий хужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсан.

3. Конун хужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳукуқий хужжатни “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами” – “Собрание законодательства Республики Узбекистан”да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринbosари Т. Абдусаттаров зиммасига юклансин.

Вазир

Тошкент шахри

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ABLIVYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN OTKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3209
2019 yil 30 dekabr

Р. Давлетов



Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил
30 декабрдаги 565-мҳ-сон
буйргуга
ИЛОВА

**Патент вакилларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш
курсларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарори билан тасдиқланган Патент вакиллари тўғрисидаги низомга мувофиқ патент вакилларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

патент вакили – юридик ёки жисмоний шахслар номидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) ҳамда бошқа ташкилотлар олдида интеллектуал мулк обьектларига хуқуқий муҳофаза олиш ва уни амалга ошириш масалалари бўйича вакиллик қилиш хукуки берилган жисмоний шахс;

патент вакилларини қайта тайёрлаш – мутахассиснинг интеллектуал мулк обьектларини хуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасида профессионал иштирокчи мақомида ишлиши учун зарур бўлган янги назарий ва амалий билимлар, кўникмалар ҳамда тажрибаларни ўзлаштириш курси;

патент вакилларини малакасини ошириш – мутахассиснинг профессионал даражасининг доимий ўсишини таъминловчи, интеллектуал мулк обьектларини хуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасидаги назарий ва амалий билимларни чукурлаштириш ва янгилаш, улар касбий тайёргарлигининг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қосидаги Юристлар малакасини ошириш маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

2. Патент вакилларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, уларнинг интеллектуал мулк обьектларини хуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасидаги назарий ва амалий билимларни чукурлаштириш ва янгилаш, улар касбий тайёргарлигининг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қосидаги Юристлар малакасини ошириш маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) томонидан амалга оширилади.



3. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига қабул қилиш ва ўкув жараёни тўғрисидаги маълумотлар Марказнинг расмий веб-сайтида ўкув курслари бошланишидан камида икки ой олдин жойлаштирилади.

4. Патент вакиллари Марказ билан тузилган шартномага мувофиқ, тўлов асосида ўқитилади.

5. Патент вакили қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига Марказ директорининг буйруғи асосида қабул қилинади.

6. Патент вакили Марказга қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари бошлангандан сўнг уч кун ичида қуидаги хужжатларни тақдим этади:

паспорт ёки унинг ўрнини босувчи хужжаг (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

олий маълумот тўғрисидаги диплом ҳамда диплом иловаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 2 дона рангли фотосурат;

шартнома шартларига мувофиқ тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи тўлов хужжати нусхаси.

2-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўкув жараёни

7. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитиш Марказ томонидан ишлаб чиқилган ва Агентлик билан келишилган ўкув дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

8. Ўкув дастурлари интеллектуал мулк обьектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳамда таълим соҳасидаги устувор йўналишлар асосида такомиллаштириб борилади.

9. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўкув жараёнлари маъруза, семинар, иш ўрганиш амалиёти ва амалиёт синови, битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш ҳамда якуний имтиҳон шаклида ташкил этилиши мумкин.

10. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги ўкув жараёнлари 10 нафар патент вакилларидан иборат академик гурухларда ташкил этилади.

11. Ўқиши даврида патент вакилларига Марказ томонидан ўкув-методик материаллар (босма ва электрон) таъминлаб берилади.

12. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида машғулотлар ўтказиш учун олий таълим муассасаларининг юкори малакали педагог кадрлари, шунингдек маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

13. Қайта тайёрлаш ўкув курсларида ўқиши касбий фаолиятдан ажралган ҳолда, малака ошириш ўкув курсларида эса ажралган ёки ажралмаган ҳолда, шунингдек масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида амалга оширилиши мумкин.

BLIKASI

DAVLAT
YXATIDA
TKAZILDI

0 * 191

14. Патент вакиллари қуидаги сабабларга кўра курсдан четлаштирилади:
ўз хохишига биноан;
касаллиги туфайли;
ўкув интизомини ва таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганлиги учун;
қайта тайёрлашда 36 академик соатдан ортиқ, малака ошириш курсларида 18 академик соатдан ортиқ ўкув машғулотларини узрли сабабларсиз қолдирганлиги учун;
патент вакиллари шартнома билан боғлиқ маъбуриятларни бажармаганлиги учун; суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги сабабли;
вафот этганлиги сабабли.

3-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг давомийлиги ҳамда ўкув юкламасининг ҳажми

15. Патент вакилларини қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш давомийлиги олти ойни ташкил этади.

16. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўкув юкламасининг энг кўп ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

17. Қайта тайёрлаш курсларида умумий ўқиш вақти ҳажми:
аудитория машғулотлари (маъруза, семинар) – 14 ҳафта (504 соат);
иш ўрганиш амалиёти ва амалиёт синови – 8 ҳафта (288 соат);
битириув малакавий ишини тайёрлаш – 1 ҳафта (36 соат);
битириув малакавий иши ҳимояси ва якуний имтихон – 1 ҳафта (36 соат) этиб белгиланади.

18. Патент вакиллари қайта тайёрлаш курсларининг сўнги ҳафтасида битириув малакавий ишини ҳимоя қиласидар ва якуний имтихонни топширадилар.

19. Патент вакилларини малакасини ошириш ҳар беш йилда камида бир марта амалга оширилади.

20. Малака ошириш курсларида ўкув жараёни давомийлиги тўрт ҳафтани ташкил этади.

21. Малака ошириш курсларида умумий ўқиш вақти ҳажми:
аудитория машғулотлари (маъруза, семинар) – 3 ҳафта (96 соат);
иш ўрганиш амалиёти – 1 ҳафта (36 соат);
якуний имтихон – 2 кун (12 соат) этиб белгиланади.

22. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари аудитория машғулотларининг барча турлари 80 дақиқа давом этади, ўкув машғулотлари оралиғидаги танаффус камида 10 дақиқани ташкил этади.



23. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини тўлиқ ўзлаштирган патент вакиллари битирув малакавий иши ҳимояси ва якуний имтиҳонга киритилади.

4-боб. Патент вакилларининг битирув малакавий иши ҳимояси ҳамда якуний имтиҳонни ташкил этиш ва ўтказиш

24. Патент вакилларининг битирув малакавий иши ҳимояси ҳамда якуний имтиҳонни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруги билан Адлия вазирлиги, Марказ ва Агентликнинг етакчи мутахассислари орасидан 5 кишидан иборат таркибда якуний имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия тузилади.

Якуний имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия таркибига олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари ҳам жалб қилиниши мумкин.

25. Қайта тайёрлаш курсини тугатаётган патент вакилларининг битирув малакавий иши ҳимояси якуний имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия иштирокида амалга оширилади.

26. Қайта тайёрлаш курсини тугатаётган патент вакилларининг билими тест ва сухбатдан ўтиш асосида, малака ошириш курсларини тугатаётган патент вакилларининг билими эса сухбатдан ўтиш асосида баҳоланади.

27. Якуний имтиҳон натижалари Марказнинг расмий веб-сайтида шу куннинг ўзида жойлаштирилади.

28. Якуний имтиҳон ўтказиш бўйича комиссиянинг қарори асосида қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатган патент вакилларига 1-иловага мувофиқ шаклдаги диплом, малака ошириш курсларини муваффақиятли тугатган патент вакилларига эса 2 иловага мувофиқ шаклдаги сертификат берилади.

29. Якуний имтиҳонда қониқарсиз натижажа кўрсатган патент вакилларига қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курсини тамомлаганлик тўғрисидаги маълумотнома берилади.

5-боб. Якуний қоида

30. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.



Патент вакилларини қайта тайёрлаш
ва малака ошириш курсларидан
ўтиш тартиби тўғрисидаги
низомга
1-ИЛОВА

**Патент вакилларининг қайта тайёрлаш курсини тугатганлиги
тўғрисидаги дипломнинг намунаси**

(O'zbekiston Respublikasining Davlat gerbi tasviri)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Qayta tayyorlash kursini tugatganlik to'g'risida
DIPLOM

QT № 000000

(patent vakilining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__ yil _____ dan 20__ yil _____ gacha

da

(qayta tayyorlash muassasasining nomi)

_____ soatga mo'ljallangan _____
(kurs hajmi)

(qayta tayyorlash kursining nomi)

kursida ta'lim olib, _____ mavzusidagi bitiruv malakaviy ishini

yakuniy imtihon o'tkazish bo'yicha komissiyada himoya qildi.

Direktor _____
(imzo) _____ (familiyasi, ismi va otasining ismi)

Ro'yxatdan o'tkazish raqami _____

Berilgan sanasi _____
(kun, oy, yil)

QR – kod

DAVLAT
'YXATIDA
'TKAZILDI
20 * 1911

Патент вакилларини қайта тайёрлаш
ва малака ошириш курсларидан
ўтиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМГА
2-ИЛОВА

**Патент вакилларининг малака ошириш курсини тутатганлиги
тўғрисидаги сертификатнинг намунаси**

(O'zbekiston Respublikasi Davlat gerbi tasviri)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Malaka oshirish kursini tugatganlik to'g'risida
SERTIFIKAT

MO № 000000

(patent vakilining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__ yil _____ dan 20__ yil _____ gacha

da

(malaka oshirish muassasasining nomi)

_____ soatga mo'ljallangan _____

(malaka oshirish kursining nomi)

kursini tamomladi.

Direktor _____
(imzo) _____ (familiyasi, ismi va otasining ismi)

Ro'yxatdan o'tkazish raqami _____

Berilgan sanasi _____
(kun, oy, yil)

QR – kod

